

Дактилоскопик экспертизаларнинг муҳим жиҳатлари

Жиноятларни очиш ва тергов қилишнинг дастлабки босқичида, жиноятчиларни қидириш мақсадида қўл бармоқ изларини тадқиқ этиш бир неча йўналишларида олиб борилади. Бир томондан - бу ҳодиса содир бўлган жойда аниқланган қўл бармоқ изларини ИИБ- ларнинг эксперт-криминалистик хизматларидаги дактилоскопик ҳисоб- лардан ва марказлаштирилган (ИИБ ЭКМ) дактилоскопик картотека- ларидан текшириш бўлса, иккинчи томондан - бармоқ излари, муайян доирадаги шахсларнинг папилляр нақшлари билан бевосита тақ- қослаш, ушбу шахслар доирасини янада торайтириш ҳамда алоҳида шахсларни аниқлашда вужудга келадиган версияларни текширишда фойдаланилиши мумкин.

Дактилоскопик экспертизаларни ўтказишда, тадқиқот объект- лари бўлиб, ҳодиса содир бўлган жойдан олинган изларнинг ўзи, уларнинг нусхалари, қуйма нусхалари ёки фотосуратлари, гумон қилинувчи ёки айбланувчи шахсларнинг қўл бармоқ ва кафт излари бўлган таққослаш тадқиқотлари учун намуналар бўлиши мумкин.

Агар излар ҳеч қандай ўзгариш ва ишлов беришларсиз тадқи- қотга тақдим этилса, бундай излар энг маъқул излар ҳисобланади. Бунинг учун изларни тўлиқ сақланиши чоралари кўрилиши лозим.

Айбланувчи ва гумон қилинувчиларнинг бармоқ излари одатда дактилокарталарга олинади, жиноятга алоқадор бошқа шахслар, жабрланувчилар ёки бошқа бегона шахсларнинг бармоқ излари эса тоза оқ қоғозга олинади.

Изларнинг намуналарига мажбурий ягона талаб - папилляр чизиқларнинг аниқлиги ва тўлиқлиги талаби қўйилади. Изларнинг акси аниқ, тирноқнинг бир четидан иккинчи четигача, нақшнинг асосидан то эгилувчи оқимгача босиб айлантириш усулида олинган бўлиши лозим. Изларнинг яхши ифодааланмаган ва нотўлиқ акслари экспертиза (тадқиқот) тайинлаган шахсга қайтарилиши ва янги, талаб даражасидаги акслар талаб этилиши лозим. Керак бўлганда, нақш- ларнинг муайян тегишли соҳаларининг излари сўраб олиниши керак, масалан, нақшларнинг дистал соҳа (тирноқнинг юқори четига яқин соҳа)ларининг излари.

Терининг, унинг турли қатламларига таъсир кўрсатувчи турлича шикастланишлари ёки жароҳатлар барқарор хусусиятга эга бўлади

ҳамда хусусий белги сифатида фойдаланилиши мумкин. Чандиқлар у ёки бу даражада папилляр нақшларни ўзгартириши мумкин. Улар хилма-хил шакллар, ўлчамлар ва жойлашишга эга бўлади. Чизикли чандиқлар ташқи кўриниши жиҳатидан оқ чизиклар (қатламлар) билан ўхшаш бўлади. Бу каби чандиқларнинг фарқловчи белгилар, ушбу чандиқ жойлашган жойда папилляр чизикларнинг деформацияси ҳисобланади ва ушбу деформациянинг кўриниши папилляр чизикларнинг шикастланган учлари йўналишларининг ўзаро мос келмаслиги, папилляр чизиклар учларининг чандиқнинг бўйлама ўқиға нисбатан, турли сатҳда жойлашиши, шунингдек ушбу учларнинг чандиқ марказига нисбатан бурчакларига қараб оғиши ҳисобланади.

Бошқа белгилардан алоҳида жойлашган оқ чизик (қатлам)лар, папилляр чизиклар узилган жойларда, ингичка чизиклар ёки ҳошиялар кўринишида бўлади. Аммо, чандиқлардан фарқли равишда, ушбу белгилар соҳасида папилляр нақшларнинг деформацияланиши кузатилмайдди. Ушбу гуруҳдаги белгиларни ўрганишда уларнинг шакллари, ўлчамлари ва тузилишидаги хусусиятларига эътибор қаратилади.

Изларни сақланишига атроф-муҳит ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун уларни сақлашда маълум қоидаларга риоя этиш лозим. Тер-ёғ излари мавжуд бўлган объектларни иссиқлик манбаларига яқин бўлган жойда сақлаш мумкин эмас, уларни паст ҳароратда сақлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Изларни сақлашда полиэтилен халтачаларидан фойдаланиш яхши натижа беради. Қон доғларини сақлаш учун уларни қуритиш ҳамда қуёш нурларидан сақлаш лозим. Уларни қуритмасдан зич ёпилган идишларда сақлаш мумкин эмас. Чангли изларни дактоплёнкага кўчириш яхши натижа бермаслиги мумкин, чунки вақт ўтиши билан улар изни кўчириб олган сиртдан ўчиб кетади. Изларни транспортировка қилиш ва сақлашда қўйилган хатолар уларнинг бузилишига олиб келади.

Тажрибали эксперт терговчига воқеа жойини кўздан кечириш жараёнида бевосита ёрдам беради, яъни изларнинг тури, уларнинг жойлашуви ҳамда олиш усуллари ҳақидаги маълумотларни оғзаки равишда терговчига хабар қилади ва бу маълумотлар кўздан кечириш баённомасига киритилади. Бунда ҳар бир из ёки бир нечта излар индивидуаллаштирилади. Ундан кейин бу излар ўша изларми ёки йўқми, қайси из қаерда аниқланганини осонгина билиш мумкин. Агар ушбу излар бажарилмаса (бундай ҳолатлар эксперт воқеа жойини кўздан кечиришда иштирок этмаганида учраб туради), баённомада қуйидаги ёзувлар бўлиши мумкин: «Кўздан кечиришда эшикда, столда ва даражада қўлнинг излари аниқланди. Излар суратга олинди ва

дактоплёнкага кўчирилди». Бундай ҳолатда қайси из қаердан дактоплёнкага кўчириб олинганлигини билиш қийин бўлади. Бундан ташқари, ҳамма дактоплёнкалар битта хатжилдга жойлаштирилган ва индивидуаллаштирилмаган бўлиши мумкин.

Изларни сақланишига атроф-муҳит ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун уларни сақлашда маълум қоидаларга риоя этиш лозим. Тер-ёғ излари мавжуд бўлган объектларни иссиқлик манбаларига яқин бўлган жойда сақлаш мумкин эмас, уларни паст ҳароратда сақлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Изларни сақлашда полиэтилен халтачаларидан фойдаланиш яхши натижа беради. Қон доғларини сақлаш учун уларни қуритиш ҳамда қуёш нурларидан сақлаш лозим. Уларни қуритмасдан зич ёпилган идишларда сақлаш мумкин эмас. Чангли изларни дактоплёнкага кўчириш яхши натижа бермаслиги мумкин, чунки вақт ўтиши билан улар изни кўчириб олган сиртдан ўчиб кетади. Изларни транспортировка қилиш ва сақлашда қўйилган хатолар уларнинг бузилишига олиб келади.

Тажрибали эксперт терговчига воқеа жойини кўздан кечириш жараёнида бевосита ёрдам беради, яъни изларнинг тури, уларнинг жойлашуви ҳамда олиш усуллари ҳақидаги маълумотларни оғзаки равишда терговчига хабар қилади ва бу маълумотлар кўздан кечириш баённомасига киритилади. Бунда ҳар бир из ёки бир нечта излар индивидуаллаштирилади. Ундан кейин бу излар ўша изларми ёки йўқми, қайси из қаерда аниқланганини осонгина билиш мумкин. Агар ушбу излар бажарилмаса (бундай ҳолатлар эксперт воқеа жойини кўздан кечиришда иштирок этмаганида учраб туради), баённомада қуйидаги ёзувлар бўлиши мумкин: «Кўздан кечиришда эшикда, столда ва деразада қўлнинг излари аниқланди. Излар суратга олинди ва дактоплёнкага кўчирилди». Бундай ҳолатда қайси из қаердан дактоплёнкага кўчириб олинганлигини билиш қийин бўлади. Бундан ташқари, ҳамма дактоплёнкалар битта хат жилдга жойлаштирилган ва индивидуаллаштирилмаган бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки бугунги кунда жинойатчиликка қарши курашда дактилоскопик ҳисоблар самарали восита ҳисобланади. Ушбу турдаги ҳисоблар ёрдамида қўл бармоқлари папилляр нақшлари бўйича шахсларни идентификация қилиш мақсадидаги текширувлар ва шахси номаълум шахс (мурда)ларнинг шахсини аниқлаш амалга оширилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Yugai, Lyudmila Yuryevna. "The use of biometric identification in countering crime." Berlin Studies Transnational Journal of Science and

Humanities 2.1.4 Legal sciences (2022).

2. Югай, Л. Ю. "Некоторые аспекты использования инновационных технологий биометрической идентификации личности в противодействии преступности: опыт Республики Узбекистан." (2022).